



3-бел

ОНА ТАБИАТНИ АВАЙЛАБ-АСРАЙЛИК



4-5-келлар

СЎНГИ ПУШАЙМОН

8-бел

СЕШАНБА



ТОШКЕНТ ОҚШОМШИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ № 142 (9.945) 2003 йил 22 июль

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг ҚАРОИ

2003 йилнинг I ярим йиллигида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ҳамда ушбу соҳаларда ислохотларнинг муҳим устувор йўналишлари бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида барқарор иқтисодий ривожланиш тенденцияси давом этди, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди, тўлов интизоми ошди, умуман иқтисодиётнинг ва унинг айрим соҳаларининг мутаносиблиги кучайди.

Ялпи ички маҳсулот (103,8%), саноат (105,5%) ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари (103,8%), истеъмол товарлари ишлаб чиқариш (104,0%) ва пулли хизматлар ҳажми (104,4%) ўсиши таъминланди. Аҳолининг иш билан таъминланганлиги ўсишининг барқарор тенденцияси сақлаб қолинди - 102,8 фоиз. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,5 фоиз профицит билан бақарилди.

Пул-кредит сиёсатини қатъийлаштириш бўйича қўрилаган чора-тадбирлар инфляция суратларига ижобий таъсир кўрсатмоқда, у биринчи ярим йилликда 2002 йилдаги 14,4 фоиз ўрнига 4,2 фоизни ташкил қилди.

Жорий ярим йилликда тижорат банкларининг жами капитали 32 фоизга кўпайди, кредитларнинг қайтарилиши яхшиланди. Банк тизимига ишонч ошди - аҳолининг депозит ҳисоб рақамларидаги омонатлари 44 фоизга кўпайди.

Валюта сиёсатини янада эркинлаштириш соҳасида жиддий сиқшига эришилди, валюталарнинг алмашув курслари унификациясига амалда эришилди, биржадан ташқари ва параллель валюта бозорлари курслари ўртасидаги тафовут бартаараф этилди.

2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида 698 корхона ва объект давлат тасаруфидан чиқарилди ва хусусийлаштирилди. Хусусийлаштиришдан тушган жами маблағ 22,5 млрд. сўмини ташкил қилди. Қимматли қоғозлар иқкиламчи бозори айланмаси ярим йиллик мобайнида 1,5 баравардан кўпроқ ошди.

Жорий йилда янгидан 27,7 минг микрофирма, кичик ва ўрта корхона ташкил этилди, бунинг натижасида 211,4 минг янги иш ўрни барпо этилди. Тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга 104,6 млрд. сўм, шу жумладан ўз ишини янгидан бошлаётган тadbиркорлар учун бошланғич сармоёга 1,7 млрд. сўм йўналтирилди.

Ҳозирги вақтда кичик ва ўрта тadbиркорлик уллушига ялпи ички маҳсулотнинг 34 фоизи тўғри келади ва иқтисодиётда жами банд бўлганларнинг 56 фоизи ушбу секторда меҳнат қилмоқда.

Ташқи савдо фаолиятида ижобий силжишлар рўй бермоқда - ташқи савдо айланмаси ярим йиллик мобайнида қарийб 23 фоизга, шу жумладан экспорт 41 фоизга ўсди, тайёр маҳсулотлар экспорти 1,6 баравар кўпайди. Ташқи савдода 530 млн. АҚШ доллари микдорида ижобий сальдога эришилди.

Фермер ҳўжалиklarини устувор ривожлантириш таъминланмоқда. Ҳисобот даврида зарар қўриб ишлаган 178 та қишлоқ ҳўжалиги корхонаси негизда 11 мингдан ортиқ фермер ҳўжалиги ташкил қилинди. Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари харид қилиш бўйича ҳисоб-китоб қилиш тизими ва қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини бошқариш тизимини тақомиллаштирилмоқда.

Иқтисодиётдаги таркибий қайта ўзгаришлар инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига чуқурлашди. Иқтисодиётга капитал қўйилмалар ҳажми 2,6 фоизга ўсди. Барча инвестицияларнинг 60 фоизидан кўпроги ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилди. Ярим йиллик мобайнида 200 млн. АҚШ долларида кўпроқ хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар микдори ўтган йилдагига нисбатан 1,9 баравар кўпайди.

Шу билан бирга, якунлар таҳлили хали ҳам кўпгина заҳиралар ҳамда имкониятлардан ва, энг аввало, яратилган ишлаб чиқариш

салоҳиятидан фойдаланилмаётганлигидан далолат бермоқда, хусусийлаштириш, қишлоқ ҳўжалигида ва капитал қўрилишда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёналари суст бормоқда.

Корхоналарни хусусийлаштиришнинг қабул қилинган дастурини бақариш ишлари етарли суръатлар билан олиб борилмапти. Ярим йиллик мобайнида «Ўзкимёсанот» давлат-акциядорлик компаниясида атиги 2 та объект, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясида 3 та, Матбуот ва ахборот агентлигида 4 та ва Халқ таълими вазирлигида 8 та объект хусусийлаштирилган. Ушбу иш Наманган, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида сўст олиб борилмоқда.

Хусусийлаштириш жараёнларига, энг аввало, «Ўзбекнефгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси, «Ўзкимёсанот» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси тизимидаги йирик корхоналарни ва бошқа кўплаб корхоналарни хусусийлаштириш жараёнларига хорижий инвестицияларни жалб этиш ишларининг аҳоли қониқтирмайди.

«Ўзгўштсўсанот» уюшмаси (21,6%), «Ўзфармасаноат» давлат концерни (22,4%), «Ўзпахтасаноат» уюшмаси (23,9%), «Файз» холдинг компанияси акциядорлик жамияти (40%), «Ўзбекенилсанот» компанияси (40,3%), «Ўзкоммунизмат» агентлиги (40,5%) ва «Ўзкимёсанот» давлат-акциядорлик компанияси (40,9%) маҳаллийлаштириш дастури доирасида маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг белгиланган прогнозларидан орқда қолишга йўл қўйишди. 33 лойиҳани амалга ошириш бошланмаган.

Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Фарғона ва Хоразм вилоятлари жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида маҳаллий бюджетларга даромадлар тушумининг прогноз параметрлари бақарилишини таъминламадилар.

Қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини кенгайтириш ишлари етарли олиб борилмапти.

Капитал қўрилишда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ниҳоятда сўст бормоқда - танлов савдолари ўтказишда қонун бузилиши, қурилиш қийматининг ошириб ойборилиши ҳоллари мавжуд, лизинг ва лойиҳа-инжиниринг хизматлари кўрсатиш тизими ривожланмапти.

Бошқарув тизимида маъмурий-бўйруқбозлик усуллари, бюрократизм, корхоналарнинг ҳўжалик фаолиятига аралашуш ҳамон сақланиб қолмоқда. Кўплаб амалда фойдаланилмайдиган ҳисобот маълумотлари йиғилмоқда. Барча даражалардаги давлат, тармоқ ва худудий бошқарувнинг мавжуд тизими ўтказилаётган иқтисодий ва демократик ислохотлар йўлида кучли тўсиқ бўлмоқда.

2. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бирламалари биринчи ярим йилликда минтақаларда, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши якунларини ўн кун мuddатда танқидий қўриб чиқсинлар, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов маърузасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг:

«Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улushi ва аҳамиятини тўбдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сон;

(Давоми 2-бетда).

XXI сағоси

Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

- **Навбатдаги саломатлик поезди** Қорақалпоғистонга йўл олди. Поездга умумий қиймати 20 миллион сўмдан зиёдроқ бўлган инсонпарварлик юклари — касалхоналар, мактаблар, болалар муассасалари учун мўлжалланган дори-дармонлар, озик-овқатлар ва болаларнинг спорт анжонлари ортилган.
- **Наманган вилояти галлкорлари** омбулрага 227 минг тонна сара дон етказиб давлатга дон сотиш шартнома-режасини бақардилар.
- **Қибрай туманида** Обод маҳалла йилга бақишланган икки авлод учрашуви бўлиб ўтди. Ўзбекистон Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ва Республика «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган тadbирда фан, маданият, санъат арбоблари ва ёшлар иштирок этишди.
- **Зангиота туманидаги** «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалигида Швециянинг «Delavaй» компанияси мутахассислари дастурий электрон таъминоти бўлган махсус сўт соғиш аппаратларини ўрнатиди.
- **Самарқанддаги** 17-мактаб ўқувчилари учун янги ўқув йиллида Интернет тармоғига уланган замонавий компьютерлар билан жиҳозланган синфдан фойдаланиш имконияти яратилди. Американинг икки халқаро агентлигининг лойиҳаси бўйича ўтказилган танловда голиб чиққан мактаб жамоасига энг сўнги русумдаги ўн та компьютер топширилди.
- **Узунлиги** 195 километрини ташкил этувчи Шўртан-Қумқўрғон газ трассасининг ярмидан кўпроқ қисмига қувур ётқизи бўлинди. Ушбу трасса ишга тушган Сурхондарё вилояти аҳолисини табиий газ билан таъминлаш янги аҳшиланади.

Жаҳонда

- **Япониянинг жанубида** тинимсиз ёмғир ёғиши натижасида рўй берган сув тошқинлари туфайли, мамлакатнинг бешинчи йирик шаҳри ҳисобланмиш Фукуокада ҳатто метро бекатлари ҳам сув билан қопланди.
- **Россиялик компьютер дастурчиси** Василий Громов АҚШда ўтказилган дастурлар тайёрлаш бўйича халқаро танловда 200 га яқин иштирокчилар, жумладан НАСА вакилини ҳам ортда қолдирган ҳолда голиб чиқди.
- **Россиянинг Сергиев-Посад шаҳрида** аэроstatларнинг гаройиб фестивали бўлиб ўтди. Унда хар хил шаклдаги, жумладан шох қўнғирроқ, сув ости кемаси, ҳатто Кремль миносари қўринишидаги улкан ҳаво шарлари учирилди.
- **Аргентина хайвонот боғида** сиёхранг айик пайдо бўлди. Гап шундаки, ок айиққа муолажалар бериш чоғида қутулмаганда унинг ранги ўзгариб шундай тусга кирди.
- **Чеченистоннинг** Ведено районида яна битта қўлбола бомба зарарсизлантирилди.

ПОЙТАХТНИНГ бир кўни

Янгиликлар, воқеалар

□ **ҲАМЗА** туманидаги «Тошмаргё» ҳиссадорлик жамиятида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан «Ватанпарварлик — олий фазилат», «Огоҳликка даъват» мавзуларида давра суҳбати бўлиб ўтди.

□ **ТОШКЕНТ** шаҳар ҳокимлигида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тadbиркорлик масалалари

бўйича доимий комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

□ **«ТАРАҲҲУМ»** акциядорлик жамиятида «Маънавият ва маърифат» марказининг Ҳамза туман бўлими ташаббуси билан ўтказилган тadbир «Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишда сиёсий партияларнинг роли» деб номланди.

□ **ШАҲРИМИЗДАГИ** иқтисодий тadbиркорлик таълим марказида уюштирилган тadbир замонавий ахборот технологиялари ҳамда инновацион воситаларни ҳаётда қўллаш масаласига бақишланди.

□ **ЯПОНИЯНИНГ** Токио шаҳрида математика фани бўйича ўтказилган халқаро олимпиадада голибликни қўлга киритган 6 нафар ўзбекистонлик талабалар Тошкентга қайтиб келишди.

□ **«2-ЧАРХ** Камолон» маҳалласида Республика халқ банки томонидан Обод маҳалла йилга бақишлаб очилиган «Маҳаллам — фахрим менинг» янги омонат турининг тиражи ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг
ҚАРОРИ

2003 йилнинг I ярим йиллигида иқтисодиёт ва
ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ҳамда
ушбу соҳаларда ислохотларнинг муҳим устувори
йўналишлари бўйича чора-тадбирларни амалга
ошириш тўғрисида

(Охири. Боши 1-бетда).

«Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226-сон;

«Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сон Фармонларида қўйилган вазифалар рўйбга чиқарилишини таъминловчи зарур чора-тадбирлар комплексини амалга оширилсинлар.

3. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича қабул қилинган ҳужжатларнинг амалга оширилиши мониторинги бўйича махсус ҳукумат комиссияси (Р.Азимов ва К.Тулаганов) қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Ҳукумат қарорларининг ижроси бўйича ишларнинг аҳолини яна бир марта танқидий таҳлил қилсин, 2003 йил учун белгиланган топшириқлар ва параметрларнинг сўзсиз бажарилиши бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўрсин. Ҳар чорада Вазирлар Маҳкамаси мажлисига хусусийлаштириш, иқтисодиётда хусусий секторнинг ролини янада ошириш, қишлоқ хўжалигида ва капитал қурилишда ислохотларни чуқурлаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларининг ва Ҳукумат қарорларининг бажарилиши ва натижалари тўғрисида таҳлилий материаллар киритсин.

4. Маъмурий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштириш бўйича тақлифлар тайёрлаш Республика комиссияси (Р.Азимов) Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш якунлари бўйича мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов маърузасида баён қилинган принципал қоидалардан келиб чиққан ҳолда бир ой мuddатда аниқ Дастур тайёрласин ва уни қўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Давлат мулки кўмитасининг ва ушбу Протоколнинг 1-бандида қайд этилган ишлаб чиқариш бирлашмаларининг давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва давлат активларини сотиш, корхоналарни корпоратив бошқариш принципларини жорий этиш ва тармоқларда хусусий сектор уллушини ошириш бўйича ишларнинг қониқарсизлиги қайд этилсин.

Давлат мулки кўмитаси (М.Асқаров) зарар қўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналар давлат активларини сотишининг, бошланғич нархни босқичма-босқич қайта қўриб чиқишининг ўзгарувчан тизими жорий йилнинг III чораги мобайнида жорий этилишини таъминловчи механизмларни ўн кун мuddатда ишлаб чиқсин, шунингдек потенциал инвесторларга эмитентлар, акциялар котировкаси, сотув ҳажмлари ва шу қабилир тўғрисидаги маълумотларни етказиш бўйича ахборот тизими яратилишини таъминласин.

Амалга оширилган ишларнинг натижалари тўғрисида 2003 йилнинг октябрида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

6. Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки кўмитаси, Иқтисодий ночор корхоналар ишлари кўмитаси, Молия вазирлиги паст рентабелли, зарар қўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор давлат корхоналарини хоржиқ инвесторларга ва мамлакатимиз инвесторларига аниқ инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш учун уларнинг рўйхатини икки ҳафта мuddатда белгиласинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг (А.Жураев), Қашқадар (Н.Зайниев), Сурхондарё (Т.Қодиров) вилоятлари ҳокимликларининг минтақалар қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришни жадаллаштириш ва фермер хўжалиқларини ривожлантириш бўйича ишлари қониқарсиз деб эътироф этилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Агротасноат комплекси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат мулки кўмитаси қисқа мuddатларда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида ва унинг ҳудудий тузилмаларида ташкилий қайта ўзгаришларни тугалласинлар, уларни муносиб кадрлар билан тўлдирлишини таъминласинлар. Амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

8. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги:

амалдаги қонун ҳужжатларининг мулкчиликнинг ижара шакллари ва хўжалик юритиш тизимини такомиллаштиришга, шартномавий муносабатлар асосида фаолият кўрсатаётган оилавий пулратчилар ҳамда фермерлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга оид қисмига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш юзасидан ўн кун мuddатда тақлифлар тайёрласинлар;

Олий хўжалик суди билан биргаликда қишлоқ хўжалиги махсулотлари ишлаб чиқарувчиларига нисбатан жарима санкцияларини қўллаш амалиётини икки ой мuddатда танқидий таҳлил қилсинлар.

9. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (А.Жалолов) республиканинг тегишли вазирликлари ва идоралари мутахассисларидан иборат комиссия тўзсин ҳамда бир ой мuddатда Сирдарё ва Жиззаҳ вилоятларига бориб коллектор-дренаж тармоқларининг техник аҳолини яхшилаш ва ерларни қишлоқ хўжалиги экинлари экишга сифатли тайёрлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сугурта компаниялари билан биргаликда, халқаро таърибани ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжаликда қишлоқ хўжалиги махсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун кенг қўламли сугурта хизматлари кўрсатиш тизимини жорий этишга қўлашувчи чора-тадбирларни икки ой мuddатда ишлаб чиқсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, уй-жой-коммунал хўжалиги ва транспорт комплекси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига капитал қурилиш соҳасида бозор ислохотларининг қониқарсиз даражада эканлиги, танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказишга ноқонуний аралашуш ва уларнинг тартиб-қоидаларини бузиш ҳоллари мавжудлиги кўрсатиб ўтилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, уй-жой-коммунал хўжалиги ва транспорт комплекси (К.Тулаганов); Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давархитектурилиш» кўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан

биргаликда бир ҳафта мuddатда Вазирлар Маҳкамасига капитал қурилишда хўжалик муносабатларини такомиллаштириш ҳамда «Давархитектурилиш» кўмитаси тўғрисидаги янги низоми ва унинг тузилмасини тасдиқлаш тўғрисидаги Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини киритсин;

Давлат мулки кўмитаси билан биргаликда 2003-2004 йилларда қурилиш ташкилотларини, улар негизда асосан хусусий ва қўшма корхоналар ташкил этган ҳолда, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини тугаллаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўрсин;

Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда қурилиш соҳасида бозор талабларига жавоб берадиган менежерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг яхлит тизимини яратиш юзасидан бир ой мuddатда тақлифлар киритсин.

12. Молия вазирлиги (М.Нурмуродов)га, Давлат солиқ кўмитаси раиси (Ж.Сайфиддинов)га, уларнинг ҳудудий тузилмалари раҳбарларига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ҳокимликларига жорий йилнинг I ярим йиллигида республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларининг прогноз кўрсаткичлари айрим вилоятлар ва манбалар бўйича бажарилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин. Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Фарғона ва Хоразм вилоятлари бўйича бюджетнинг даромад қисми бажарилмаганлиги йул қўйиб бўлмайдиган ҳол деб ҳисобласин.

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитасининг қўшма хайъати, вилоятлар ҳокимликлари қарори билан айбор шахслар - вилоятлар ва туманлар солиқ органлари раҳбарлари эгаллаб турган лавозимидан озод қилишга чарада қатъий жавобгарликка тортилганлиги маълумот учун қабул қилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда: лимитланмаган ва квоталанмаган махсулотларни тақсимлашнинг амалдаги тизимини тугатиш ҳамда уларни биржалар, қим ошди савдолари ва бошқа бозор механизмлари орқали сотишни кенгайтиришнинг;

тасдиқланадиган моддий балансларнинг кўпчилигини асосий прогноз кўрсаткичларини асослаш учун зарур бўлган ҳисоб-китоб баланслари сифатида сақлаб қолиб, улар рўйхатини қисқартиришни батафсил ўрганиб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

14. Давлат статистика ва идоравий ҳисоботи тизимини қайта қўриб чиқиш, қисқартириш ва бирхиллаштириш вазифаси маъмурий ислохотларни амалга оширишнинг энг муҳим қисми ҳисобласин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2003 йил 1 ноябргача бўлган мuddатда:

барча ҳисобот маълумотларини танқидий қайта қўриб чиқсин ҳамда ишлаб чиқаришни ва сотишни тезкор бошқариш учун, шунингдек баёнлар ҳамда жорий ва истиқболли прогнозларни ишлаб чиқиш учун фойдаланиладиган бошқа муҳим таҳлилий материалларни тайёрлаш учун зарур бўлган ҳисоботнигина сақлаб қолсин;

ҳисобот бериш шакллариининг моҳияти ва мазмунига алоҳида эътибор қаратиб, эҳтиёж бўлмаган кўрсаткичларни чиқариб ташлаб, зарур бўлмаган, фойдаланилмайдиган ҳисоботни қисқартириш чора-тадбирларини кўрсин.

15. Вазирлар Маҳкамаси Комплекслари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2003 йилнинг иккинчи ярим йиллигида республиканинг барча минтақаларида маҳаллий хом ашёдан буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хоржиқ инвестициялар иштирокидида тайёр махсулот (тикувчилик, трикотаж, чарм буюмлар ва пойабзал) ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналарни ташкил этиш ҳисобига истеъмол товарларини ўзимизда ишлаб чиқаришни қўлайитириш бўйича қабул қилинган дастурлар бажарилишини таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқсинлар ва амалга оширилсинлар.

Натижалари тўғрисида 2003 йил якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ахборот берилсин.

16. Республика иқтисодиёти тармоқларини 2003-2004 йиллар куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш бўйича Республика комиссияси (К.Тулаганов) манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ҳокимият органлари билан биргаликда:

1991 йилгача қурилган уй-жойларни мукамал таъмирлаш бўйича йул қўйилган қолоқликнинг ўрни тўлдирлишини ва умуман жадалланган бажарилишини ҳамда барча уй-жой фонднинг 2003-2004 йиллар куз-қиш даврига сифатли тайёрлаш қўйилишини;

коммуникация тармоқларини таъмирлаш-тиклаш ишлари ўз вақтида амалга оширилишига ҳамда зарур сувоқ ва қаттиқ ёқилги тайёрлаб қўйилишига алоҳида эътибор қаратган ҳолда республика иқтисодиёти тармоқларини куз-қиш даврига тайёрлаш бўйича тасдиқланган тадбирларнинг бажарилиши юзасидан ҳар ойда мониторинг ва назорат олиб борилишини таъминласин.

Амалга оширилаётган ишлар тўғрисида 2003 йил 9 ойи якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ахборот берилсин.

17. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзғармашсервис», «Ўзпахтасаноат» уюшмалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, қишлоқ туманлари ҳокимликлари билан биргаликда жорий йилнинг июль-август ойларида гўзани парвариш қилишни қўлайитириш ва жорий йилнинг 10 августига қадар барча моддий-техник базани таъмирлаш ва 2003 йил ҳосили пахта хом ашёсини қабул қилишга тайёрлаб қўйишни тугаллаш учун пахта йиғимига тайёргарлик қўриш юзасидан зарур ташкилий-иқтисодий чора-тадбирларни амалга оширилсин.

18. Мазкур протоколнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирлиги У.Султонов зиммасига юклансин.

Ушбу протоколнинг бажарилиши 2003 йил январь-сентябрь ойлари якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қўриб чиқилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

2003 йил 18 июль

Транспорт

Жамият 30 ёшда

Ўзбекистон автомобиль ҳаваскорлари кўнгилли жамияти ташкил этилганига ўттиз йил бўлди.

Бу орада жамият фаолияти кенгайиб, унинг ўқув-техник негизи янада мустаҳкамланди. Жамиятнинг Тошкент шаҳри Кенгаши ҳам тадбиркорлик билан иш юритмоқда. Пойтахтимиз туманларида хўжалик ҳисобидаги жамоалар ихтиёрида ҳозир 100 га яқин транспорт воситалари турадиган жойлар бор. Уларда таъмирлаш ишлари ҳам йўлга қўйилмоқда. Сервис хизматидан кўпчилик мамнун.

Ҳаваскор ҳайдовчилар учун очилган автоматлаблар орқали намунали ўқув машғулоти олиб борилмоқда. Техник маҳорат марказига айланган бу мактаб тажрибасини омаллаштириш тадбирлари қўрилди.

Жамиятнинг 30 йиллиги санасига бағишлаб ўтказилган тадбирда автомобиль ҳаваскорларининг навбатдаги битирувчиларига гувоҳномалар топширилди.

Техника

ижодкорлиги
самараси

Шахримиз транспорт йўналишларида қатнаётган «Мерседес-Бенц» автобуслари, «Татра» трамвай вагонлари хизматидан йўловчилар мамнун.

Ана шу қўлай транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатишда «Татрасервис» маркази, «Мерседес-Бенц» сервис марказида бой тажрибалир ортирилган.

Бу корхоналар электроника ва механика, электроника ва усталари эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришда ҳам фаолият кўрсатишмоқда. Бу эса улардаги цех ва участкаларда техника иждоқорлигини кенг йўлга қўйиш имконини берди.

«Тошхажарйўловчтран» Давлат уюшмасидан маълум қилишларига кўра, салкам бир йил ичида бир миллион доллар ҳажмида иқтисодий фойда қўрилди.

Турк автобуслари
Тошкентда

«Мерседес-Бенц» сервис маркази муҳандис ва техник ходимларининг юмушлари қўлайиб қолди.

«Тошхажарйўловчтран» Давлат уюшмасининг 18-автобус саройида жойлашган бу марказда Туркиядан янги олиб келинган автобусларнинг техник кўриги ўтказилмоқда.

Гап шундаки, республика миз бюртмаси билан Туркиянинг Хошдера автобус заводи «Мерседес-Бенц Конекто Ю» русумли автобуслардан 35 тасини тайёрлаб берди. Тошкентга олиб келинган бу замонавий транспорт воситаларидан фойдаланиш бўйича марказда махсус ўқув машғулоти ташкил этилмоқда.

Турк автобусларини ҳайдаш ҳуқуқини қўлга киритган ҳайдовчилар учун ташкил этилган ва сабоқлар «Эво Бус ГмБХ Мерседес-Бенц» автобус компанияси мутахассислари томонидан амалга оширилмоқда.

Ақбар АЛИЕВ

Санъат

ЯНГИ ТЎПЛАМ
НАШРДАН ЧИҚДИ

Очиқ жамият — кўмак жамғармаси — Ўзбекистон институти «Санъат ва маданият» халқаро дастури бўйича босмага тайёрланаётган китобларни чоп этишга яқиндан ёрдам бермоқда. Туркистонда почта хатжилдлари нашри тарихига доир тўпламлар ҳам юзага кела бошлади.

Ўтмиш кўзгусида Туркистон почта хатжилдлари саҳифаларида деб номланган тўплам эса яқинда муҳлисларга тақдим этилди. 1898-1917-йилларда Туркистонда муомалада бўлган почта маркалари тарихи тўғрисида ҳикоя қилувчи материалларни ўз ичига олган мазкур нашрда рангли иллюстрация безаклар ҳам ўз аксини топди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Эдуард Ритвелдзге қаламига мансуб макола билан бошланадиган бу янги нашр Буюк Ипак Йўли тарихи билан қизиқувчиларга яхши қўлланма бўлди.

ЯПОН ЭРТАГИ
ТЕАТР САҲНАСИДА

«Наврўз» деган ном билан театр фестивалини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Марказий Осиё республикалари театрлари учун катта ижодий синов бўлаётган бундай қизиқарли санъат байрами дастлаб бундан ўн йил олдин Тошкентда уюштирилган эди.

Ижодий кўрикнинг навбатдаги намойиши яқинда Тожикистон Республикаси пойтахти Душанбе шаҳрида ташкил этилди. Унда республикамиз саҳна усталари ижрочилик маҳорати ҳам яхши баҳоланди.

Охунбоев номидаги Республика ёш томошабинлар театри актёрлари эса фестивалдан ёрғуз билан қайтдилар. Театр репертуаридан янги ўрин олган «Турналар пати» деган постановка фестивал томонидан муносиб тақдирланди.

Ушбу спектакль япон эртаги асосида саҳна юзини кўрган эди.

«ГАМЛЕТ» —
ИСТЕЪДОДЛИ

ЁШЛАР ИЖРОСИДА

Ўзбекистон Миллий театри саҳнасида машҳур инглиз драматурги Шекспирнинг бир нечта асарлари кўрсатилган. Унинг машҳур «Гамлет» фожеаси эса икки марта таба саҳнавий талқинини топди.

Маннон Уйғур, Турғун Азизовлар томонидан постановка қилинган бу спектакль ўз режиссураси билан ҳам таҳсинга сазовор бўлди.

Санъат қошонасида «Гамлет»нинг учинчи бор постановкаси ҳам муваффақиятли намойиш қилинди. Бу сафар у истеъдодли ёшлар ижросида томошабинларга тақдим этилди. Гап шундаки, Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти битирувчи курс талбалари ушбу пьесани саҳнага олиб чиқиш учун самарали изланишлар.

Анвар ВАЛИЕВ

• АНЖУМАНЛАР

Кудратимиз — дўстликда

Мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикнинг муҳим омилларидан бири миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглиkdir. Турли миллат вакиллари истиқомат қиладиган давлатнинг ижтимоий-сиёсий тараққиёти ва истиқболи йўлидаги эзгу мақсадларни амалга оширишда бу жуда муҳим омилдир.



Яқинлашиб келаётган энг улуғ ва эзгу байрамимиз — Мустақилликнинг 12 йиллиги ва «Обод маҳалла йили»га бағишлаб жойларда бўлиб ўтаётган қатор тadbир ва анжуманлар, давра суҳбатлари айнан юртимизда миллатлараро тотувлик ва ҳамжихатликни мустақамлаш, турли миллатга мансуб ёшларимизни ватанпарварлик, инсонпарварлик ва тинчликни асраб-авайлаш руҳида тарбиялаш каби мақсадларни қўлаб ўтказилмоқда.

Куни кеча Акмал Икромов туманидаги «Ватан» маҳалласида бўлиб ўтган «Кудратимиз — дўстликда» деб номланган катта анжуман ҳам юрт ривожини учун ўзбеклар билан ёнма-ён туриб астойдил меҳнат қиладиган, бир магизини қирққа бўлиб ейишни ўзига фахр деб билган турли миллат вакиллари, қондош-қондош эллатарининг миллатлараро тотувлик, тинчлик-осойишталикка қўшиб келаётган муносиб ҳиссалари, эришаётган ютуқлари, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган режа ва вазифаларга бағишланди.

— Энг катта бойлигимиз мустақил ва хур дёиримизда тинчлик ва осойишталикнинг ҳукмронлигидадир, — деди жумладан тadbирини очар экан «Ватан» маҳалласи оқсоқоли Озод Ризаев. — Шу юрт фарзанди бўлган ҳар бир инсон осойишталик, юрт фаровонлигига ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Маҳалламизда қирқ икки миллат вакиллари аҳил-иноқликда, бир оила фарзандларидек яшаб, мана шу эзгу ниятни қўлаб меҳнат қилиб келмоқда. 11.000 га яқин аҳоли, 4.000 дан ортиқ оила мавжуд бўлган ҳудудимизда «Обод маҳалла йили»да қатор ибратли юмушлар амалга оширилмоқда. Ободонлаштириш, спорт майдончаларини барпо этиш, жиноятчилик, гиёвандлик каби иллатларнинг, ёшларимизнинг турли диний оқимларга кириб қолишининг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича олиб бораётган ишларимиз шулар жумласидандир.

динги сонларини телевидение орқали кўриб борувчи муҳлис сифатида шунини айтишимиз мумкинки, унинг кейинги сонлари тўла шакланган. Мунтазам равишда турли ўқув муассасалари ва меҳнат жамоаларидан вакил сифатида қатнашган ўйин иш-

ни механизациялаштириш муҳандислари институтининг «Тарғибот», Тошкент Давлат санъат институтининг «Ижодкор», Ўзбекистон Давлат консерваториясининг «Тасодиф», Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиакомпаниясининг «Фазогир», Ўзбекистон темир

билим ва қобилиятларнинг синов майдончасига айланди. «Ўзбекбирлашув» АК қошидаги «ТАНГ-ЧЕНГ» Хитой ресторанида ҳам бўлган муҳлислар айрича таассурот билан қайтишди. Ўз касбига тегишли маълумотларни билмаган шахс шу соҳанинг ҳақиқий мутахассиси бўлолмайди. Шу жиҳатдан гуруҳ аъзолари эътиборлидир. Авиация ҳамда темир йўл тарихига тегишли маълумотларни чуқур билишлари ўйин жараёнида асқотгани рости. Кенг қамровли билим, мантиқий фикрлаш, ҳозиржавоблик, омад, журъат ва суръат галабанинг гарови бўлишини улар яна бир қарра исбот этдилар. Гарчи ўйинда «Темирйўлчи» гуруҳи аъзолари бир балл ҳисобига зафар қучган бўлсалар-да, «Фазогир» гуруҳи ҳам бўш келмади. Бугунги кунда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида ҳам фикри теран, умидли ёш йигит ва қизларнинг фаол иштирок қиладигани қувонарли ҳол. Телеўйиннинг қиройли ўтиши, кўпчиликка ёқиб бериши, айниқса, Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаши қўл келмоқда. Ҳамкорликни бардавом бўлиши, иқтидорли ёшларни излаб топиш шарафли иш экани ҳақида Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг раиси Ботир Убайдуллаев сўзлади.

Келгусида биз ҳам юқорида айтиб ўтилган билимдорлардек «Иқтидор» телекўрсатувда қатнашишни ниёт қилиб мамнун ҳолда қайтидик.

Нурали ЖУМАНИЕЗОВ, Абдусалим МАХМУДОВ, СУРАТДА: «Иқтидор» телеўйини қатнашчилари.

• МАЪНАВИЯТ


«Иқтидор»га
эътибор



тироқчилари ҳар томонлама билимли, кенг дунёқараш ва савияси билан ажралиб туради. Шу ўринда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг «Устоз», Ўзбекистон Давлат жон тиллари университети халқаро журналистика факультетининг «Интеллекта», Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг «Феномен», Тошкент Давлат ирригация ва қишлоқ ҳўжалиги-

йўллари» Давлат ҳиссдорлик компаниясининг «Темирйўлчи» ва топқир томошабинлар орасидан чиққан «Эзгу ниёт» ва «Тафаккур» гуруҳлари аъзоларини чинакам маънода иқтидор соҳиблари дейиш мумкин.

«Фазогир» ва «Темирйўлчи» гуруҳлари ўртасида ўтказилган мусобақавий ўйин ҳар иккала гуруҳ аъзоларининг ўз жамоалари аъзолини, гуруҳини ҳимоя қилиш борасида



Соғлом атроф-муҳит ҳар бир инсоннинг, бир бутун миллат саломатлигининг асоси, инсоният бойлигидир. Шу боисдан замонамизнинг энг қудратли ва ривожланган мамлакатлари ўзларининг келажакка қаратилган сиёсий ва иқтисодий дастурларида бу масалага алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бунинг сабаблари бор: ҳар қандай мамлакатнинг энг асосий бойлиги унинг халқи, шу мамлакатда яшаётган инсонлардир. Инсон учун энг олий қадрият — унинг ҳаёти эканлиги инobatдан олинса, ҳаётий фаолиятининг ажралмас, зарурий омили бўлган тоза атроф-муҳитнинг аҳамияти яққол намоён бўлади. Ҳозирги кунда мамлакатлар, давлатларнинг умумий ривожланиш даражаси, цивилизацияга эришганлигининг асосий мезони — маъмур мамлакатларда яшайдиган аҳолининг ўртача қанча умр кўриши билан белгиланади.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг нўқтаи назарига кўра, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси аҳамияти жиҳатидан, дунёда ядро уруши хавфини олдини олиш масаласидан кейин иккинчи ўринда туради. Ядро уруши содир бўлса, бу урушда голиб ҳам, мағлуб ҳам бўлмаслиги, ер юзаси радиоактив сарҳога айланиб қолиши ҳозирги кунда барчага аён. Шу сабабли сиёсий иқлим нисбатан мўътадиллашмоқда ва уруш хавфи жиловланиб турибди. Соғлом экологик муҳитни яра-

қин далилидир. Маълумотларга кўра, Ўзбекистонимизда 20 фоиздан зиёд касаллишни экологик муҳит кескинлашганлигининг оқибатидир. Республикаимиздаги экологик аҳолини яхшилашда халқаро ташкилотларнинг ёрдами ҳам сезиларли бўлмоқда.

Республикаимиз табиатдан оқилана фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларини мувофиқлаштириб турувчи турли халқаро шартнома ва битимларга қўшилди, маъмур ишларни амалга оширишнинг 2005 йилгача мўлжал-

да. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган кўплаб илмий, илмий-методик ва оммавий адабиётлар нашр қилинмоқда, радио ва телевидениеда мунтазам эштитириш ва кўрсатувлар олиб боришмоқда. Таълим тизимининг барча босқичларида экологик таълим ва тарбиянинг мазмуни, ташкилий шакллари ҳамда усулларнинг такомиллашувига йўналтирилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Аҳоли матбуот, радио, телевидение ёрдамида ҳаққоний

• ТУМАНЛАРДА

Барча бирдек жавобгар

Акмал Икромов туманида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бажариш юзасидан тумандаги йирик корхоналар ўзлари учун керакли бўлган меъёрий ҳужжатга эгадирлар. Уларнинг руҳсатнома мuddати ўз вақтида Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси томонидан узайтириб борилади ёки ишлаб чиқаришга бирон-бир ўзгартириш киритилган бўлса, улар қайтадан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида атмосфера, атроф-муҳитни ифлослантириш ва майдонларга чиқиндиларни чиқариш учун компенсация тўловларини қилиш тўғрисида»ги қарорига асосан яқинда Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш кўмитасида семинар ўтказилди. Ушбу анжуманда шаҳардаги барча йирик корхоналар қатори Акмал Икромов туманидаги корхона раҳбарлари ҳам қатнаш-

ди. Йиғилишда белгиланган қонунларнинг кам-кўстисиз бажарилиши туманлар назорати томонидан тўла амалга оширилмаётганлиги рўй-рўй очиб ташланди. Хусусан, биргина Акмал Икромов тумани мисолида айтиш мумкинки, бу ердаги барча йирик корхоналар ҳам заҳарли чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши ва уларни жойлаштириш тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларга эга деб бўлмайди. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 199-сон-

ли қарорининг 8-бандига кўра агар қайси-ки корхона атроф-муҳитни ифлослантирса ва чиқиндиларни жойлаштириш, чиқариб ташлаш учун меъёрий ҳужжатга эга бўлмаса у табиатга етказган зарари учун умумий тўлов миқдорининг 10 баравари сифатида жарима тўлаши аниқ кўрсатиб берилган.

Юқорида номи зикр этилган қарорни барча корхоналарда тўла амалга ошириш мақсадида кўмига ходимлари бир қатор тадбирларни амалга оширишмоқдалар. Хусусан, мазкур қарорнинг бажарилишида барча корхона, ташкилот, муассаса раҳбарлари бирдек жавобгар этиб қўйилган.

М. УМАРОВА,
давлат нозири.



• МУЛОҲАЗА

Энг асосий бойлик

тиш муаммоси эса ўз-ўзидан биринчи даражали умумбашарий масалага айланиб қолмоқда.

Жаҳондаги иқтисодий, сиёсий, маънавий инқирозлар жамиятдаги айрим минтақа, мамлакатлар, муайян қатлам ва табақаларни четлаб ўтиши мумкин, лекин экологик хатар — ёши, жинси, дини, иқтисодий ва сиёсий маънавият қатъи назар ҳаммага бирдек хавф солади. Энг муҳими, у чегара билмайди. Экологик ҳалокатни тиканли симлар, ҳарбий кучлар билан жиловлаб бўлмайди.

Инсон табиатининг бир бўлагидир, у ўз умри давомида, бутун меҳнат фаолияти жараёнида табиатдан бағрида яшайди, унга таъсир этади ва ўзи учун керак бўлган барча нозу-неъматларни — озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой, минерал ашё ва энергия қабиларни табиатдан олади ва сарфлайди.

Атрод-муҳитнинг қурраи замин миқёсида йўл қўйиб бўлмас даражада ифлосланишига олиб келадиган сабаблардан бири — инсоннинг космик фазони ўзлаштиришга қаратилган фаолиятидир. Бу фаолиятнинг инсоният учун зарарли оқибатлари ҳозирги пайтгача тўла ва атрофича тахлил қилиб борилмаган. Россиянинг экологик сўбсат маркази томонидан яқиндагина чоп этилган «Космик фаолиятнинг экологик хавфи» китобида кўрсатилишича, биргина «Аполлон» кемасининг шовқини кучли вулкон отилиши даражасида бўлар экан. Унинг тўлиқ зарбаси эса 1770 километргача тарқаларкан.

Аҳолининг, хусусан оналар ва болалар саломатлигини асраш мамлакатимизда соф экологик муҳитни таъминлаш билан боғлиқ. Президентимиз ташаббуси билан республикаимизда биринчи ва иккинчи даражали «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилганлиги аҳоли саломатлиги йўлидаги экологик гамхўрликнинг ёр-

ланган Давлат дастури ишлаб чиқилди. Ўзбекистонда тоза экологик муҳитни қарор топтиришга қаратилган тадбирлар асосий йўналишлар килиб белгилаб қўйилди.

Кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш Республика аҳолиси, айниқса ёшларнинг экологик маданиятини ривожлантириш, улар билан олиб бориладиган экологик таълим ва тарбиявий ишларни қўллаш самарасига ҳам бевосита боғлиқ. Юксак маданиятли, маънавий-маърифий жиҳатдан баркамол инсон ўзи яшаб турган атрод-муҳитга ўз ҳаётига зомин бўлишига олиб келувчи бузғунчилик, ифлосгарчилик нўқтаи назаридан муносабатда бўлмайди, аксинча уни обод қилади, келажак авлодларга муносиб экологик муҳит қолдиришга ҳаракат қилади. Экологик маданиятли инсон XX асрнинг II-ярмида бошланган атрод-муҳитни бузишга қаратилган фаолиятни тўхтатиш лозимлигини, ўзи бузган дунёни унинг ўзидан бошқа ҳеч ким тиклаб бера олмаслигини билади.

Атрод-муҳитни тоза-покиза асраш қадим-қадимдан ота-болаларимиз, аждодларимиз руҳиятига, маънавиятига сингиб кетган, кундалик одат тусига кириб қолган. Ер, сув, ҳаво, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини, ҳаёт манбаларни яшаш воситаларини эҳтиёткорона сақлаш, эъозлаш улар учун маънавий мезони ҳисобланган. Буюк аждодларимизнинг асрлар давомида яратган битмас-туганмас маданий-маърифий меросларини, хусусан атрод-муҳитни авайлаб-асраш каби умуминсоний қадриятларни ҳимоя қилиш, инсон манфаатлари йўлида уларни кўпайтириш, келгуси авлодларга ёдгорлик этиб қолдириш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз.


Республикаимизда кейинги йилларда соғлом экологик муҳитни яратишга қаратилган турли-туман маърифий-тарбиявий тадбирлар амалга оширилмоқ-

экологик ахборотлар билан тўла таъминланмоқда. Натичада омманинг экологик фаоллиги ва масъулияти ортиб бормоқда. Холбуки, шўролар даврида ҳаққоний экологик ахборотларнинг айримлари «давлат сирини» сифатида пинхон тутилар ва сохталаштириллар бу эса, ўз навбатида, аҳолининг экологик масъулиятига салбий таъсир қилар, уларнинг атрод-муҳитнинг ифлосланишига бефарқ қарашига олиб келар эди.

Ҳозирги кунда экологик таълим Республикаимиздаги олий ўқув юрларининг амалдаги ўқув дастурига киритилган. Шунингдек, экология ва табиатни муҳофаза қилиш, табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти, атрод-муҳитни ҳимоя қилиш ва табиий захиралардан оқилана фойдаланиш; сув таъминоти, канализация, санитария ва бошқа экологик ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Бу соҳада кафедралар ишлаб турибди. Республика педагог экологлар уюшмаси 2005 йилгача бўлган экологик таълим ва тарбия дастурини ишлаб чиққанки, ундан нафақат олий ўқув юрлариди, балки ҳунар-техника коллежлари, академик лицей ва мактабларда ҳам фойдаланилмоқда.

Бу тадбирлар келгуси авлодлар олдидидаги масъулиятни тўла англаб етadиган маънавий баркамол инсоннинг шаклланишига олиб келади, шу тариқа инсон фақат табиатдан олувчи, истеъмолчи эмас, балки унинг гамхўри, фидойиси каби эъзуликларни ўзида мужассамлаштирувчи шахс даражасига кўтариллади. Натичада қўн вақтлар ичидаёқ мамлакатимиз фуқаролари учун, ўсиб келадиган ёш авлодининг жисмонан соғлом бўлиб ривожланиши учун зарур соғлом муҳит яратилади. Демак, Республикаимизда буюк келажак сари собит-қадам одимлар билан олға бориш имкониятлари таъминланади.

Тавҳар МИРЗАҚОСИМОВА



• РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Тошбақаларнинг қадимий авлоди

Палеонтолог олимлар каприноидлар оиласига кирувчи судралиб юрвчиларнинг келиб чиқиш тарихини ўрганиб чиқиб фамага баъзи ўзгаришларни кўрсатди. Перм даврида, яъни бундан 250-280 миллион йил олдин яшаган калтакасбақлар, тимсоҳ ва баъзи тошбақалар ҳозирги тошбақаларнинг авлодларидир, деган фикрларга тўзатиш киритилди.

Канадалик олимлардан Р. Кейс билан М. Лоренлар тошбақалар авлоди каприноидлардан бўлмай, улар яшаган даврдан олдин ҳам мавжуд бўлганликларини исботлашди. Масалан, Жанубий Африканинг қурғоқ ерларида яшаган тошбақалар салкам 250 миллион йил олдин ҳам ҳозирги кўринишлариغا эга бўлганлар. Ўша даврларда яшаган тошбақасимонлар проколлофонлар оиласига кирган бўлиб, анатомик хислатлари билан ҳам яқиндирлар. Олимларнинг фикрича, тошбақалар ўзларининг авлодларига эга бўлиб, шунча узок давр ичида кўп ўзгаришларга берилмаганликлари қайд қилинади.

Учувчи чанг-тўзонлар

АҚШдаги Виржиния университети эколог олимлари Африка чўлларида кўтарилувчи чанг-тўзонлар гарбий китълага етиб келишини исботладилар. Ҳар йили Африка китъасидан учувчи чанг-тўзоннинг 12 миллион тоннаси Амазониядаги ўрмонларга бориб тушади. Атлантика устидан учиб ўтувчи оқимларга тушган чанг-тўзонлар Амазония устидида вужудга келувчи вулканик гидроб-

лар натижасида бу ерларга тушади. Ўрмонларда жойлаштирилган турли метеорологик асбоб-ускуналар ҳавонинг чанг-тўзонли оқимлари ҳаракатини ёзиб боради. Чанг зарралари ўнгитларга — фосфатлар, микроэлементлар ва бошқа органик моддаларга бойлиги билан ажралади. Бундай ўнгитлар тропик ўрмонлар учун энг яхши минерал озуқа ҳисобланади. Турпроги унумсизроқ бўлган Амазония ўрмонларининг ҳар бир гектарига бир килограмми яқин фосфатлар тушиб туриши ўсимликларнинг яхши ривожланишига ёрдам беради. Табиатнинг «ишларига» қойил қолмай иложимиз йўқ, албатта.

Олдиндан қилинган башорат

Нью-Йорк штатидаги Буффало университетини геология кафедраси мудири М. Шеридан Мексиканинг марказий районларидан бирида жойлашган Колима вулкони отилишини олдиндан башорат қилади. У 1991 йилнинг мартада ўша ерда бўлиб, ахвол билан танишди, ҳисоблар қилиб тез орада — икки ҳафта орасида тоғ чўққиси порталши мумкинлигини айтиб беради. Дарҳақиқат, олимнинг далояти тўғри бўлиб қиди. Ўша йилнинг апрель ойида тоғ чўққисидан кучли вулкон отилиб олов паства туша бошлади. Тоққа яқин қишлоқлар аҳолисига зарар етмайди. Колима вулкони ҳар 50-75 йил орасида отилиб туради. АҚШнинг Вашингтон штатидаги Сент-Хеленс вулкони ҳам ўша табиати билан Мексиканингга ўхшайди, бунга геофизик олим Ч. Конкор исботлади. Эндилкида бу вулконлар атрофида сейсмик станциялар қурилади, илмий-тадқиқот ишлари кенг йўлга қўйилмоқда.

• ТЕКШИРУВЛАР

Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси назоратчилари тез-тез жойларда бўлишиб, юз бераётган камчилик ва нуқсонларнинг олдини олишади. Табиатга ўзбошимчалик билан зарар етказадиган корхона раҳбарларига жарима солишади. Куйида ана шундай жаримага тортилган корхоналарнинг баъзи бирлари билан танишасиз.

• Нозирлар пойтахтимиздаги «Тўлаган ота» масъулияти чекланган жамиятида бўлганларидан бу корхона давлат экологик экспертиза хулосасига эга эмаслигини аниқладилар. Бундай ўзбошимчалик билан йўл тутган корхона раҳбари Н. Тўлагановага 7000 сўм жарима тўлови солинди.

• «Бўзсув» азрация станциясига қарашли «Сувсоз» корхонасида ифлослантирувчи моддалар меъёрий лойиҳасининг мuddати тугаганлиги аниқланди. Ўз вақтида лойиҳа мuddатини узайтирмаганлиги учун бош меҳанчи Р. Ҳакимбойев ҳисобига 6000 сўм жарима ёзилди.

• «Мусаммаҳаммад» хусусий фирмасида эса атрод-муҳитни ифлослантирувчи моддаларнинг ҳолатига дуч келинди. Бу ўзбошимчалик фирма раҳбари учун қимматга тушди. У ҳамёнидан 16.320 сўм миқдорда жарима тўлашга мажбур бўлди.

• Нозирлар шаҳримиздаги «Совпластитал» ва «Сонья» қўшма корхоналарида зарарли моддаларни тозалаш иншоотидан фойдаланиш қоидалари бузилганлигини аниқлашди ва бу ишга масъул бўлган қўшма корхона раҳбари Ю. Аристов ҳисобига 6000 сўм жарима ёзилди.

• «Афалина» хусусий фирмасида маиший чиқиндилар ўз вақтида утиллантирилмаганлиги корхонанинг катта оператори Х. Муталов учун 6000 сўм жарима тўлаш билан яқунланди.

• Худди шундай ахвол «Карвон-сервис»да ҳам такорланди. Бу хатога йўл қўйган корхо-

на раҳбари Б. Тешабоев ҳам 6000 сўм миқдорда жарима тўлади.

• «Афросиёб-сервис» корхонаси ҳудудида руҳсатсиз равишда дарах кесилган. Сабабсиз бу ишни ижро этган корхона ишчиси В. Илмитдинов 5440 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

• Экологик экспертиза хулосасининг йўқлиги «Руна интернешнл трейдинг инк» раҳбари ўринбосари Е. Казаримов ҳисобига 6000 сўм зиён келтирди.

• Гидрокувчи корхонасида ифлослантирувчи моддаларнинг руҳсатномасиз атрод-муҳитга чиқариб ташланаётганлиги ҳолатига

дир. Ўсимлик дунёсининг шаҳар экологиясига таъсирини биргина мисол билан намоён қилиш мумкин. Яъни 1 гектар ердаги дарахтзор 220-280 килограмми ис газини ютади ва ўзидан 180-220 килограмм кислород чиқаради. Йўл четига экилган манзарали дарахтлар эса ҳавони тозалашда катта роль ўйнайди. Шунинг учун дарахтнинг кесилдан олдин унинг ҳаётдаги аҳамиятини кўз олдимиздан ўтказасак зарар қаммайди. Мамлакатимизда «Атрод-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан оқилана фойдаланиш бўйича 2001-2005 йилларга мўлжалланган Давлат дастури ишлаб чиқилган. Республикаимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» асаридида экологик хавфсизликни кучайтиришнинг ҳозирги асосий йўналишлари кўрсатиб ўтилган. Унда хусусан қўйилган таъкидланган:

1. Тегшиш технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Қишлоқ, ўрмон ва ҳўжалик тармоқларидаги табиий жараёнларнинг кескин бузилишига олиб келадиган барча зарарли кимёвий моддаларни қўллаш устидан қаттиқ назорат ўрнатилиши. Ҳаво ва сув муҳитини инсоннинг ҳаётий фаолияти учун зарарли ёки салбий таъсир этадиган моддалар билан ифлослантиришни тўхтатиш.
2. Қайта тикланмайдиган захираларни қатъий мезон асосида истеъмол қилган ҳолда табиий захираларнинг ҳамма турларидан оқилана фойдаланиш.
3. Катта-катта ҳудудларда табиий шароитларни табиий захиралардан самарали ва комплекс фойдаланишни таъминлайдиган даражада аниқ мақсадга қаратилган, илмий асосларда ўзгартириш.
4. Жонли табиатнинг бутун табиий инфондини маданий экинлар ва ҳайвонларнинг янги турларини кўпайтириш ҳисобига бошланғич база сифатида сақлаб қолиш керак.
5. Шаҳарсозлик ва туманлараро режалаштиришнинг илмий асосланган ҳозирги замон урбанизациясининг барча салбий оқибатларини бартараф этадиган тизимни жорий этиш йўли билан шаҳарлар ва бошқа аҳоли яшайдиган пунктларда аҳолининг яшаш учун қўлай шароит яратиш зарур.
6. Экологик кулфатлар чегара билмаслигини назарда тутган ҳолда жаҳон жамоатчилиги этибборини минтақанинг экологик муаммоларига қаратиш лозим.

Дилдора СУЛТОНОВА,
Давлат нозири.

дуч келинди. Бунга йўл қўйган бош муҳандис С. Сирохов 16320 сўм миқдорда жаримага тортилди.

• «Ўзбекмашсервис» қўшма корхонаси раҳбари Васильченко атмосферадан чиқаётган ифлослантирувчи моддалар миқдорини ўз вақтида текширишга турмаганлиги сабабли 5500 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

• «Хамкор-текстиль» корхонаси раҳбари Н. Шокиров яроқсиз лампапарини зарарсизлантириш чораларини кўрмаган. Бу ўзбошимчалик унинг ҳамёнига 5500 сўм зарар келтирди.

«Тошкент оқшоми»

ХУКУҚИЙ
МАСЛАХАТХОНАСИҚонунга ҳурмат ва
итоаткорлик — ҳаёт мезони

(Кундалик ҳаётда учрайдиган айрим ҳуқуқий масалалар юзасидан 180 саволга 180 жавоб)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

146. Кайси жойни мерос очилган жой деб ҳисоблай-
дилар?

Мерос қолдирувчининг охириги доимий яшаб турган жойи мероснинг очилиш жойи деб ҳисобланади. **Фуқаролик кодексининг 1117-моддасига** биноан, агар мерос қолдирувчининг охириги яшаб турган жойи номаълум бўлса, мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчмас мулк турган жой, унинг мулки бир неча жойда бўлган тақдирда кўчмас мулкнинг асосий қисми турган жой, кўчмас мулк бўлмаган тақдирда эса, кўчар мулкнинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой деб ҳисобланади.

Ўзининг турар жойидан вақтинча бошқа жойда, ҳарбий хизматда, ўкув юрталарида, жазони ижро этиш жойларида, чет давлатларда яшаб турган шахслар вафот этган тақдирда, уларнинг аввалги доимий яшаш жойлари мерос очилган жой ҳисобланади.

Мероснинг очилиш жойи тайин бўлишини таъминлайдиган мерос қолдирувчининг охириги турар жойини ёки унинг кўчмас мулки турган жойни аниқлаш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уй кўмиталари, паспорт идоралари ва бошқа ташкилотлардан олинган ҳужжатлар асос бўлади.

5.2. Меросхўрлар

147. Кимларни васият ва қонун бўйича меросхўр деб ҳисоблаш мумкин? Нолойик меросхўрлар ҳам бўладими?

Мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек мерос қолдирувчининг ҳаётилик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилганидан кейин тирик тузилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

Мерос очилган пайтда тузилиб бўлган юридик шахслар, шунингдек давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам васият бўйича меросхўр бўлишлари мумкин (**Фуқаролик кодексининг 1118-моддаси**).

Қонундан қариндошлик ришталари билан боғланган шахслар, мерос қолдирувчи томонидан номига васиятнома қолдирилган, вафот этганидан мулкчи ва мулк билан боғлиқ номулкчи ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига қабул қилиб олувчилар меросхўрлар ҳисобланади.

Мерос олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларни фақат суднинг ҳал қилув қарори билан нолойик меросхўр, яъни ворислик ҳуқуқига эга эмас деб топиш мумкин. Бунда уларни меросдан четлатиш учун асос бўладиган барча ҳолатлар суд томонидан белгиланади (**Фуқаролик кодексининг 1119-моддаси**).

148. Меросхўрлар доирасига кимлар кириши мумкин?

Меросхўрларнинг доираси, меросхўр бўлиш учун ворис мерос очилган пайтда ҳаёт бўлиши кераклиги боис, мерос очилганидан кейин аниқланади.

Мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган, мерос қолдирувчи билан қариндошлик муносабатлари бўлган шахслар: **биринчидан**, мерос қолдирувчидан тузилган фарзандлар ва уларнинг авлодлари, **иккинчидан**, мерос қолдирувчининг ота-онаси, бобо-бувиси, **учинчидан**, ака-ука, опа-сингиллари, тоға-амаки, амма-халалари ва бошқалар қонун бўйича меросхўрлар доирасига киради.

Бундан ташқари мерос қолдирувчи ҳаётиликда ҳомила ҳолида бўлиб, у вафот этганидан сўнг, яъни мерос очилганидан кейин тирик тузилган болалари, шунингдек фарзандликка олинган болалари ҳам қонун бўйича ворис бўладилар.

Қонун бўйича меросхўрлар жумласига асосан қариндошлиги бўлган шахслар кирса, васият бўйича ҳар қандай фуқаро, шу жумладан васият қолдирувчига қариндош бошқа шахсларнинг ҳатто ҳомиладаги болалари ҳам меросхўр бўла олади.

149. Меросхўр меросдан воз кечишга ҳақлими? Агар шундай қилишга ҳақли бўлса, меросдан воз кечиш ҳуқуқини у қандай тартибда амалга оширади?

Меросхўр ўзининг ворисликка қақчилганини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб олти ой ичида меросдан воз кечишга ҳақли. Узрли сабаблар бўлган тақдирда бу муддат суд томонидан кўпи билан икки ойга узайтирилиши мумкин.

Агар меросхўр васиятнома бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам ворисликка қақчилса, у ана шу асосларнинг бири ёки ҳар иккаласи бўйича ўзига тегишли бўлган меросдан воз кечишга ҳақли.

Меросдан воз кечиш фақатгина муомала лаёқатига эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин. Муомала лаёқати чекланган шахслар эса, ўзларининг ҳомийлари розилиги билангина меросдан воз кечишлари мумкин. Меросдан воз кечиш муомала лаёқатига эга бўлмаган шахслар номидан уларнинг васийлари томонидан амалга оширилади.

Меросдан воз кечиш мерос очилган жойдаги нотариусга меросхўр томонидан ариза бериш орқали амалга оширилади. **Фуқаролик кодексининг 1147-моддасига** назарда тутилишича, меросдан воз кечиш кейинчалик бекор қилиниши ёки қайтариб олиниши мумкин эмас.

(Давоми бор)

• АСКИЯЧИЛАР ТАРИХИДАН

Эл-юрт севган қизиқчи

Кулги дарғаларининг энг машхурлари-дан ҳисобланган Юсуфжон қизикнинг се-вилми шогирди Охунжон қизик Хузуржон ўғлининг таваллуд топганига юз йил тўлди. Бу қизикнинг ҳаёти кишиларнинг умри-га умр кўшиб, яхшиларни кулдириб, ёмонларни куйдириб гоҳ хурсандчиликда, гоҳ дакки еб, азоб чекишда ўтди.

У деярли умр бўйи жонкуяр устози Юсуфжон қизик Шакаржон билан талай ерларда томошалар кўрсатди, бутун Республикага машхур бўлди. Айниқса, Охунжон қизик Тошкентга кўчиб келиб, филармония ва Муқимий номидаги театр сахна-ларида қизиқчилик қилиб, комик роллар-ни қотириб ижро этаверганидан кейин то-мошабинлар шов-шувига сабаб бўлган. XX асрнинг 30-40 йилларида унинг қизиқчи-ликдаги ижоди аянда гуллаб-яшнади. Бу даврда унинг кампирлар образини маро-мига етказиб ижро этган «Сумалак» хико-яси граммафон пластинкасининг икки то-мониға ёзиллиб, бутун Марказий Осиё ха-кларига тарқалганди...

Охунжон қизик 1903 йилнинг ёз фасли бошларида, яъни ўзининг айтишича, ўрик мевалари эндигина ранг келтирган пайт-да Маргилон яқинидаги Акбаробод қиш-логига деҳқон оиласида таваллуд топган

ЮВИБ ҚҲЙГАН

Чойхонанинг тол соясидан-ги панароқ сўрисиди ўтирган ҳазилхас оғайнилари Охунжон қизикни ош харажатига тушириш ниятида уни зимдан кузатишибди. Уша куни қизикчи янги сотиб олган велосипедини миниб келиб, деворга суяб қўйибди-да, у-бу сотиб олиш учун дўконга кириб кетибди. Пайт пойлаб ўтирган ҳазилкашлардан бири оёқ учиди яшириниб келиб, велосипед филдиракла-ри дамини чиқариб кетибди. Дўкондан чиққан қизикчи қараса, велосипед абгор ҳолда. «Бу ишда бир сир бор-ға ўхшайди» деб қўйибди ўзича. Кейин у велосипеди-ни елкасига кўтариб, йўлга тушибди. Буни кўрган сўрида-гилар гўё ўзларини билмас-ликка олиб, гап қотиша бош-лашибди:

— Велосипед қутлуг бўлсин, Охун ака!

— Шунчалик аяйсизми, — сиз уни миниб ўрнига у сиз-ни миниб олибди-ку!

— Зап янги велосипед экан, оғайни ювайли!

Сўридагилар бирин-сирин келиб, қизиқчини ўраб оли-

шиб, «ювайлик» дея қистов-ға олишибди. «Сир»нинг таги-ға тушуниб этган Охунжон қўл силтаб, улфатларига зар-да билан дебди:

— Э, оғайнилар, кўрмай-сизларми?! Сизлардан ҳам чаққонроқ бошқа бир кутиб турган ювғувчи аллақачон ювиб, кафанлаб қўйибди, энди мен буни кўмгани олиб кетяпман, биродарлар!

ҒАМ-
ТАШВИШДАН
ҚУТУЛДИ

Кўчада кетаётсам, гапла-шиб турган уч қиморбоз ме-нинг эътиборимни ўзига тор-тди. Бири — Азим қиморбоз, — ўнг елкасини чиқариб, чап елкасини пасайтириб олган, энги ичида бедана. Иккинчи-си, — Салим чиппақ, сувға тушган мушукдек шумшай-ган. Учтинчиси, — Райим бач-кана, афтидан, у хурсанд ҳам, хафа ҳам эмас.

Азим қиморбоз Райим бач-канага буйруқ берди:

— Ма, бу пулни ол! Дарё бўйидаги сўрида ол тайёрла!

Ёнида тўртта коньяк ҳам бўлсин! — Шу орада унинг

кўзи менга тушиб, «Хў қизик, бақа кел!» — деди. «Лаб-бай тақсир!» деб, дарҳол унинг олдига бордим.

— Сен ҳам ошга етиб борм, хўпми, бизни зериктирмай-сан!

— Хўп бўлади, тақсир, бораман...

Бу воқеадан бир ҳафта кей-ин мен яна Азим қиморбозга йўлиқиб қолдим. Унинг ран-ги-рўйи ўчган, икки елкаси баббаробар — туя ўрқачидек диккайиб, қулоқларини бер-китиб турибди. Майда қалам ташлаб, аста-секин унинг ёнига бордим, атайин қуло-нига пичирладим:

— Азимбойвачча, бугунги ош қасрда бўлади?

У қимордан ютқазиб қай-таётган эканми, менинг га-пим дард устига чипқон бўлиб туюлди. Қиморбоз аччиғидан мени қулоқкашлаб ташлай-ман деганди, энги ичидаги бедана «пирр» этиб, учди-кетди.

— Ана, бойвачча, — дедим кулиб, — бедана ғам-таш-вишдан, бундан бўён сиз ют-қазилдан қутулдингиз!

Олим ҚҲҚОРБЕКОВ
тайёрлади.

• ЖИНОЯТ ЖАЗОСИ ҚОЛМАЙДИ

Қилмишига яраша
жавоб бермоқда

Гиёванд моддасини истъёмол қилиш, қолаверса уни сотиш жамяятга пугур ет-казиши билан бирга гиёвандларни тубсиз қазилка қулатиб юборади.

Якқасарой туманида яшовчи В. Ковшин ил-гари судланганига қарамай, ҳеч қасрда иш-ламай юриб, У. Носир кўчасидаги «999» ка-феси олдида О. Убайдуллаев деган йигитга марихуана моддасини сотаётганида ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди. Энди эса у тоғни урса талқон қилишга қур-би етадиган ёшида қилмиши учун жавоб бермоқда.

Иккинчи хато кечирилмайди

Ҳамза туманида истиқомат қилувчи Б. Раён ҳам аёл боши билан шу ишга қўл уриб, бир хонадоннинг оқила бекаси бўлиш ўрнига бугунги кунда бошини эгиб ўтирибди.

У биринчи марта судланганидан етарли хулоса чиқариб олмасдан, ҳалол меҳнатни хоҳламай юриб, шу туманининг А. Каримов кўчасида яшовчи А. Габулинага героин мод-дасини ўйламай-нетмай сотаётганида мили-ция ходимлари томонидан ушланди.

Парда қаёққа кетди?

Шаҳар ИИБга келиб тушган маълумот-дан аён бўлишича, Юнусобод туманида-ги 12-сонли поликлиникадан бир неча ўн-минг сўмлик дераза пардалари йўқолган.

Милиция ходимларининг тезкор саёй-ҳара-катлари натижасида парда ўғриса — Тош-кент вилояти, Қибрай туманида яшовчи Д. Фулом исмли шахс қўлга олинди. У муқад-дам судланган бўлса ҳамки, пешона терини тўкиб ҳалол меҳнат қилишни истамаган эди, оқибати такрор-такрор пушаймон ейишига тўғри келди.

Тошкент шаҳар ИИББ матбуот маркази материаллари асосида
Комил ЁРИЕВ тайёрлади.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганиб доно бўлур...

● Мардлик қалбнинг буюк фазилатидир; кимдаки шу фазилат бор экан, у гурурланса арзийди.

● Мардлик одамларни хатарли дақиқалардан ажойиб ишларга ўндовчи фазилатидир.

● Хатарни қўрқмай бартараф этиш эмас, балки уни юзма-юз қарши олиш мардликдир.

● Давлатингдан айрилсанг кўп нарсани йўқотмайсан, номусингдан айрилсанг — кўп нарса йўқотасан, мардлигингдан айрилсанг — ҳамма нарсангни йўқотасан.

● Лукмони Ҳаким ўз ўғлига айтди: «Қариндош-уруғлардан алоқангни узма, ўйлаб иш тут. Одамларни гийбат қилма, одамлар ёмон ишга бош қўшса уларга қўшилма. Шошилиб иш тутма, бойлик деб ўзингни ғам-қайғуга ташлама. Ўз қадрини билмаган одамдан яхшилик умид қилма.

Ўтиришларда ўз жойингни бил, одамларнинг сўзига қулоқ сол, одамлар сўраса гапир, ўзингдан улуғлар олдида тушиб юрма, одамлар ичида бошингни қуйи солиб ўтирма, ўнгу чапга қарайверма, меҳмонлар олдида бировга ўшқирма, меҳмонга эса иш буюрма. Маст ва девона одамлар билан ҳамсухбат бўлма. Бекорчи одамлар билан кўчада ўтирма.

Ўз фойдангни ўйлаб обрўингни тўкма. Ўзига бино қўювчи такаббулардан бўлма. Хусуматдан узоқ бўл, сенга иш буюрсалар бажар, ваъда қилсанг, албатта уни урдасидан чиқ. Ҳеч кимни ранжитма».

ХИКОЯТ. Зўравонлик камарини белига боғлаб, ўзига ўнча келадиган чигирткани кўтариб кетаётган бир чумолини кўрдилар. Таажуб билан айтдилар:

— Бу чумолини кўринг, шу қадар кучсиз бўлгани холда бунчалик оғир юкни ташимокда.

Чумоли бу сўзни эшитиб қудди ва: — Мардлар юкни гавда қувати ва тан салобати билан, эмас, ҳиммат кучи ва бирлик билан таъинидилар, — деди.

Байт:

**Агар доно бир иш чикмаса
дунёда донодан,
У нодонлар билан тенг ўтса
мумкин ушбу дунёдан.**

● Оқилона иш тутиш учун биргина ақлнинг ўзи камлик қилади.

● Донишманд — бақолнинг дўконига ўшайди, борини индамайгина кўрсатади-қўяди; нодон эса лашкар норасининг ўзи, овози банданду ичи бум-бўш ва ғариб.

● Оқил билан телба ўртасидаги бутун айирма шундаки, оқил одам доимо фикрлагани фикрлаган, аммо кам гапиради, телба-нодон одам эса доимо гапириб, ҳеч вақт ўйламайди. Оқил одамнинг тили ҳаммаша фикрининг измида; телба-нодоннинг тили эса гап ташувчи ва гийбатчидир.

● Фақат нодонларгина қулмай яшайдилар.

● Инсон ҳамма орасига етолмайди. Шунинг учун ўзига қараганда бечораҳолроқ бўлганларни қўриб ўз аҳволига шукр қилиши ақллилик аломатидир.

Ривоят: бир вақтлар бир одам йўлда яёв кетар экан, ўз-ўзига:

— Бу ерда, бу сахарни биёбонда мендан ожизроқ, бечорароқ, паришон яна ким бор? — деб йиғлади.

У ердан ўтиб кетаётган, устига юк ортилган эшак бу дардман одамнинг сўзини эшитиб унга:

— Эй, ақлсиз одам! Нега ҳолингдан бундай шикоят қиласан? Оллоҳга шукр этиб йўлнинг кетавер. Эшакка минмагансан, аммо мен каби юк остида эмассанку! Ҳолингга шукр қилиб кетавер, — деди.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Job Announcement Office Manager

for Swiss-sponsored project in Hydrometeorology in Central Asia.
The position will be located at Swiss Aral Sea Mission (SASM), situated on the grounds of Glavgidromet of the Republic of Uzbekistan.

Job description-scope of work:

- Manage and administrate SASM centre of competence and training
- Provide and maintain the best possible working condition for the team of both local and expatriate experts, varying between 5 to 20 persons
- Organize national and international workshops and seminars, import of hard- and software
- Liaise with Glavgidromet of the Republic of Uzbekistan as well as with the Glavgidromets of the other four Central Asian states (i.e. Kirgistan, Kazakhstan, Tajikistan and Turkmenistan)
- Cooperate with national and international organizations, governmental agencies and private firms in the best interest of the project

Requirements-experience:

- Minimum ten years of management experience with local and international organizations
- Familiarity with administrative tools and high level of competence with PC use
- Technical background, including familiarity with hydrometeorology/water resources engineering are desirable but not mandatory
- Strong written and verbal communication skills in both English and Russian are mandatory; good knowledge of Uzbek is desired
- Leadership and social competence are required; ability to work and spread harmony in a team
- Self-competence: The candidate is able to share information in a person- and problem-oriented manner; ability and wish to listen to others
- Entrepreneurial skills: Self-responsibility and initiative for timely actions

Benefits:

- Monthly payments commensurate with experience, responsibility and local market conditions
- Working environment conducive to achieving optimum results
- Bonus payment at the discretion of the employer, travel- and transport allowance

Interested candidates with the required qualifications, experience and skills should submit their resumes/CVs together with a covering letter to the following address:

Swiss Aral Sea Mission,
72 Maksumov str.,
700043 Tashkent,
attn. Mr. A.W. Rogatchov;

or e-mail to swiss@rch.uz. Further information on the activities of SASM may be gained from www.rch.uz or telephone 120 63 76 or 137 21 63, ask for Mr. A.W. Rogatchov or R. Batirov.

The closing date for receipt of applications is the 22nd of August, 2003.
Only short listed candidates will be contacted and invited for interview.

ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!

ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!
Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси савдо ташкилотчиси «РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси 2003 йилнинг 22 августдан 26 сентябрга қадар ҳафтанинг ҳар жума кунлари соат 11-00 да кимошди савдоларини ўтказди.

КИМОШДИ САВДОЛАРИГА

Куйидаги Тошкент шаҳар Хўжалик суди қарорига мувофиқ «банкрот» деб эълон қилинган «ТошДСК-1» ОАЖнинг «Б» худудидаги (ЖБИ- 6) «ЗКПД-1»га қарашли бино ва иншоотлари ҳамда Тошкент шаҳри туманлари Давлат солиқ инспекцияларига қарашли автотранспорт воситалари қўйилган

I. Бино ва иншоотлар			
Объект номи	Манзили	Бошланғич нархи (сўм)	Аукцион ўтказиладиган кун
«ТошДСК-1» ОАЖнинг «Б» худудидаги (ЖБИ-6) «ЗКПД-1»га қарашли бино, иншоотлари ва омбухоналари	Жарқўрғон кўчаси, 22-уй	250 000 000	22 августдан 26 сентябргача

II. Автотранспорт воситалари				
№	Автотранспорт воситаси русуми	Балансда ушлаб турувчи солиқ инспекцияси	Ишлаб чиқарилган йили	Бошланғич нархи, (сўм)
1	ГАЗ-31029	А.Икромов туман ДСИ	1995 й.	960 000
2	ГАЗ-31029	Юнусов туман ДСИ	1995 й.	960 000
3	ГАЗ-31029	Чилонзор туман ДСИ	1995 й.	1 400 000
	ГАЗ-31029	Шайхонтоҳур туман ДСИ	1995 й.	990 000
	Рейсер	М.Улғабек туман ДСИ	1995 й.	2 150 000

Юқорида кўрсатилганлардан ташқари Тошкент шаҳар Адлия бошқармасига қарашли давлат рақами 10 АН 371 бўлган ВА3 21063 ва давлат фойдасига ўтказилган давлат рақами 10Н 35-91 бўлган «ДАМАС» русумли автотранспорт воситалари бўйича ўтказилган кимошди савдолари қолиблари ушбу автотранспорт воситаларини сотиб олишдан бош тортганликлари сабабли 2003 йил 25 июлда ўтказиладиган навбатдаги кимошди савдоларига қўйилди.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-а уй. Ариза ва гаров пуллари юқоридаги манзилда жойлашган «РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси томонидан 2003 йил 25 июлдан бошлаб қабул қилинади.

Мурожаат учун телефон: 133-23-40

«Фарҳод деҳқон бозори» очик акциядорлик жамияти акционерлари диққатига!

2003 йил 5 август кунини соат 17-00 да Тошкент шаҳри, А. Икромов тумани, «Фарҳод деҳқон бозори» худудида жойлашган «Яккабоғ» қаҳвахонасида «Фарҳод деҳқон бозори» ОАЖ акционерларининг навбатдаги умумий мажлиси бўлиб ўтди.

КУН ТАРТИБИ

1. Жамиятнинг биринчи ярим йиллик фаолиятининг якуни бўшқаруви раиси (директори)нинг ҳисоботини кўриб чиқиш

2. Жамиятнинг биринчи ярим йиллик даромадларни тақсимлаш, дивидендлар миқдори ва уни бериш тартибини тасдиқлаш.

3. Жамиятнинг Янги тахрирдаги ижроия органи ҳақидаги низомини тасдиқлаш;

4. Жамиятнинг янги тахрирдаги Кузатув Кенгаши ҳақидаги низомини тасдиқлаш;

5. Жамиятнинг янги тахрирдаги Умумий мажлис ҳақидаги низомини тасдиқлаш;

6. Жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига ўзгариштириш қиритиш ҳақида;

7. Жамиятнинг Кузатув Кенгаши таркибига ўзгариштириш қиритиш ҳақида;

8. Жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш масаласи ҳақида.

Акциядорларнинг реестри 2003 йил 21 июлдан ёпилади. Акциядорларни рўйхатга олиш 2003 йил 5 август кунини соат 16-00 да бошланади.

Акциядорларни рўйхатга олиш манзили: «Фарҳод деҳқон бозори» ОАЖ худудида жойлашган «Яккабоғ» қаҳвахонаси
Кузатув Кенгаши

Спорт

Ёш футболчилар беллашди

Собир Рахимов туманидаги 15-мактабда 9-16 ёшли болалар ўртасида футбол бўйича турнир ўтказилди. Туман ҳокимлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида ташкиллаштирилган турнирда туман маҳаллалари жамоалари голиблик учун кураш олиб боришди. Шуниси қувонарлики, мурасасиз ва қизиқарли курашларга бой тарзда кечган баҳсларда «Мустақиллик», «Шўхрат» маҳаллалари жамоалари бошқалардан кўра маҳоратлироқ эканликларини исботлашди. Байрамони тарзда, мухлисларга манзур кечган ушбу мусобақа якунида голибларга мутасаддиларнинг эсдалик совғалари тақдим этилди.

«Мовий тўлқин—2003»

Келажакимиз ворислари — фарзандларимиз қалбида спортнинг сузиш турига меҳр уйғотиш мақсадида Миробод туманида болажонлар иштирокида «Мовий тўлқин—2003» деб номланган турнир уюштирилди. Миробод туман ҳокимлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ҳамкорликларида ташкиллаштирилган мусобақада болажонларнинг сузиш бўйича эггаллан маҳоратлари синаб кўрилди. Фарзандларимизда эҳтиш, чаққонлик, тезкорлик ҳислатларини шакллантиришга хизмат қилувчи ушбу турнир якунида голиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Жаъфар Украинада

Жорий йилги футбол мавсумини олий лиганинг етакчи жамоаси «Пахтакор» таркибида бошлаган ҳужумчи Жаъфар Ирисметов ўз омадини яна хорик клубларидан бирида синаб кўришни маъкул кўрди шекли, Украинага йўл олди. Сўнгги маълумотларга қараганда Жаъфар Украинанинг «Кривбасс» командаси таркибида ўйв-машғулот йиғинларида қатнашган. Унинг сай-ҳаракатлари мураббийларни қониқтирдими, ҳарқалай, «Кривбасс»-«Карпати» учрашувида ҳамюртимиз майдонга тушган.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

Мен бировга шу вақтгача бирон марта хат ёзган эмасман. Лекин булган ўйлаб-ўйлаб қўлимга ручка олдим, хатларим бошқаларга сабоқ бўлсин, дедим.

Мен мактабда аъло баҳоларга ўқир эдим. Ота-онам, укаларим ва синглим билан бирга беғам, беташиш, ҳеч нарсага зорикмасдан, оддийгина яшар эдик. Хаммамизнинг ўзимизга яраша ишимиз, орзу интилишларимиз бор эди. Отам уч кун деганда бир қоровулчиликка бориб келар, бўш кунлари новвойчилик билан машғул эдилар. Биз қўлдан келганча уларга қарашардик. Новвойчилик жуда оғир касб, буни фақат бевосита шу иш билан шуғулланганлар биларди.

9-синфини аъло баҳолар билан битириб, коллежга ўқишга кираман дедим. Лекин омадим чопмай имтиҳондан йиқилдим. «Майли, озгина дам олиб юра тур, кейинги йил яна ҳаракат қиларсан» дедилар дадам. Эҳ, ўша кун, эссизгина, менинг разолат ботқоғига ботишимга сабаб бўлган кун...

Новвойчиликка астойдил киришиб кетдим. Қўлимга пул тушди, дўстларим кўпайди. Отамнинг теграшларига қарамай, уларнинг кўзларини шамғалат қилиб кўчага чопдим.

Бекорчи бўлиб кўпроқ кўчага чиқсанг шерикларинг ҳам кўпайиб қоларкан. Нонни сотиб келаман деганча, кўчадан бери келмай қўйдим. Аввалига сигарет, кейин ичкилик... Хаммаси шундан бошланди. Пешона тери билан топилаётган пуллар менинг нафсим йўлида хазондай соврилди. Отамнинг калтаклари, онаизоримнинг насихатлари ҳам қор қилмай қўйди.

Одамда ирода, сабр-бардош бўлмаса жуда қийин экан. Отам энди бош фарзандим, уйлантириб кўйсам, қўйлиб қолар дедилар шекли, холамнинг 17

ёшга чиққан қизларига катта тўй-томоша билан уйлантириб қўйдилар.

Бу вақтга келиб мен 20 ёшимда анча-мунча нарсаларни ўрганиб бўлган, ўқиш эса аллақачон эсдан чиқиб кетган эди. Мен ўрганган нарса, айтишга ҳам қийналаман захри қотил «оғу» мени ўз домига тортиб бўлган эди. Янги келинчак Муниса ҳайрон: гоҳида қувончимдан ҳайқираман, гоҳида

дигина 6 ой бўлган эди. Онам бечора бу дардни кўтаролмай ётиб қолдилар. Отамнинг қадди букилди, уйимиздан файзу барака кўтарилди, ғам-ташвишдан бошимиз чикмай қолди. Ҳозир эсласам, юракларим орқага тортиб кетади. Мен қар ва кўри бўлиб қолганга ўшар эдим. Ҳеч нима таъсир қилмас, дардим фақат «дори» топиш эди. Ҳеч кимга ачинмасдим. Отам бечоранинг бир кунда минг бора оловга кириб-чиқиб тиркичлик учун топилаётган пулидан ҳам ўғирлаб чиқиб кетардим.

Бир куни шунча ҳаракат қил-

Кўзим очилди, жуда кеч очилди, икки марта даволаниб чиқдим, шифокорларга минг бор раҳмат дейман, менинг барча кўрсатган хунарларимга қарамай, астойдил даволашди. Ҳозир анча яхшиман. Ишга кирдим. Оиламни тикладим. Фарзандли бўлдим. Фақат, фақат дунёдаги энг азиз инсоним, меҳрибоним, ярим кечада, қай аҳволда келсам ҳам бир пиёла иссиқ чой, бир қошиқ овқат билан кутиб оладиган парвонам, онажоним йўқлар. Кетмакет келган зарбалар онамнинг юракларини ишдан чиқарган экан, менинг иккинчи марта даволаниб чиққан куним: «Оллох, ўзингга шуқр, болам инсофга келди» дедилар мангу уйкуга кетдилар. Афсус-армонларим ичимда қолди.

Кандоқ қилай, дардимни кимга айтай, энди ҳеч бирининг фойдаси йўқ. Эзишимдан мақсад эса тенгдошларим билиб-билмай ноҳуя йўлларга кириб, захри қотил «оғу» домига тушиб қолмасинлар, кўрмаган, танимаган одамлардан дўст орттиришнинг азобларини тортмасинлар дейман.

Мен хато қилдим, катта хато, мана шу хатоларни бошқалар такрорламаслигини истаيمان. Виждон азобида қоврилишдан ҳам ортиқ азоб йўқ бўлса керак ҳаҳонда. Кўзларимни юмсам узоқлардан оналарни мадҳ этувчи қўшиқ эшитилади, ёнгинада онажонимнинг маъюз, мунгли ниғоларини сезиб тургандек бўламан.

«Ғуноҳкор ўғлингизни кечиринг, онажон!» деганча оҳим ичимга сиймай кетади:

Онажон қабан ўзинг, Сенсиз жазони на қилай?
Рустам АФЗАЛОВнинг
дил сўзларини
Шоира МУҲАМЕДОВА
қоғозга туширди.

Ҳайт сабоқлари
ҒУНОҲКОР
ЎҒЛИНГИЗНИ
КЕЧИРИНГ

«ўша нарса»га етишолмай қолсам тиришиб қоламан, уни уриб, ҳайдаб, нима қилаётганимни ҳам сезмайман.

Нихоят бир куни Муниса менинг томирларимга урилган нилалар ўрнини, шафқат беркитиб қўйган дориларимни топиб олди. Юм-юм йиғлаганча ота-онамга ҳаммасини айтиб берди. Ҳамма даҳшатдан қотиб қолган, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган иш бўлганиданми, менга қараганча ҳайрон эдилар.

Холам, яъни қайнонам: «ёлғизгина қизимнинг умрини хазон қилдир-га», деганларича Мунисани кўч-кўронин билан олиб кетдилар. Тўйимизга эн-

сам ҳам «дори» топилмади, тирришиб қолдим. Шунда касал ётган онам амаллаб менинг ёнимга келиб, «Жоним болам, даволансанг бўлар экан-ку, даданг гаплашиб келдилар, юра қол», дедилар. Мен нобахор қочинг, деб онамни туртиб юбордим. Онам йиқилган жойларида эзилиб йиғладилар, «Бугундан кейин онам йўқ мени, ўлган деб ҳисоблагин» дедилару хушларини йўқотдилар. Шундагина сал ўзимга келгандай бўлдим. Ойимни тез ёрдам 1-шаҳар касалхонасига олиб кетди. Дадам эса мени шаҳар наркологиқ диспансерига даволатиш учун ётқиздилар.

«Футболимиз келажаким»

Мусобақанинг шаҳар боқичи бошланди

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва маҳаллаларда эмвэйл спортни ривожлантириш мақсадини кўзлаб ташкил этилган «Футболимиз келажаким» кубого турнири ҳар йили аънаванвий тарзда ўтказилиб келинмоқда.

Куни кеча маҳалла ёшлари ўртасида оммавий тус олган ушбу спорт мусобақасининг шаҳар боқичи бошланиши олдидан ташкилий кўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди.

— Маҳалла ёшларининг ёзги таътил кунларини беҳуда ўтказишлари, турли оқимларга, жиний йўлларга кириб кетишларининг олдини олишга катта ҳисса бўлиб қўшилган ушбу мусобақанинг юқори савияда, пухта тайёрларлик қўрилган ҳолда ўтказилишига эришишимиз лозим, — деди тadbирни очар экан Тошкент шаҳар Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг раиси Рихсатилла Ақромов. — «Обод маҳалла йили» дастурининг ижросини таъминлаш, фарзандларимизнинг мунтазам равишда спорт билан шуғулланишлари учун шарт-шароит яратиш, ўтган йилги хато ва камчиликларни такрорламаслик учун ҳар бир мутасадди, педагог-тарбиячи, спорт мураббийлари ўз ишларига янада масъулият билан ёндошишлари керак.

Йиғилишда сўзга чиққан шаҳар Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш бош бошқармалари вакиллари ва маҳаллалар оқсоқоллари мусобақалар ўтказиладиган майдон ва йўлларда хавфсизлиқни таъминлаш, иштирокчиларнинг саломатлигини назорат қилиш, тартиб-интизомни сақлаш борасида қилиниши керак бўлган ишлар хусусида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Шуни таъкидлаш керакки, мусобақа ташкилотчиларининг қўшма қарорига биноан бу йил 4 босқичда — 9-10, 11-12, 13-14, 15-16 ёшли ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган мусобақа беллашуларини «Боғи эрам», «Метроқурилиш», «Пахтакор», «Тўқимачи», «Чигатой Оқтепа», «Динамо» ўйингоҳларида ўтказилишига келишиб олинди.

Йиғилиш қатнашчилари «Обод маҳалла йили»да ўтказилаётган ушбу футбол мусобақаларида чиройли ва ҳалол ўйин кўрсатган командалар муносиб тақдирланиши, «соф галаба» албатта муҳимлигини ҳақамлар инobatга олишлари лозимлиги ҳақида яна бир бор фикрлашиб олдилар.

Шаҳноза МАҲМУДОВА

Шифобаҳш неъматлар


Шундай оддий нарсалар борки, уларга мўъжизали сифатлар хослигини кўпинча хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Масалан, лимон шарбати саратон (рак) касаллигининг ривожланишини тўхтатиб қўя оладиган имкониятга эга эканлигини исбот этди.

Лимон — саратон кушандаси

Маълум бўлишича, лимон шарбати янгилигида инсон организмда саратон (рак) ҳужайрасини ўсимтага айлантирадиган захарли (канцероген) моддаларни йўқотиб юбора оладиган хусусиятга эга экан. Агарда тоза лимон шарбати ҳар куни маълум бир миқдорда ичиб турилса, тананинг сезгир тўқималарини захарли химиявий моддаларнинг таъсиридан муҳофаза этади. Ҳужайраларни охири-оқибатда, хавфли ўсимтага айлантирадиган захарларнишдан сақлайди.

Япониянинг цитрус мевалари шарбатининг инсон организмга таъсиридан ўрганувчи марказида доктор Йошио Като бошчилигида шу муносабат билан ўтказилган махсус тадқиқотлар ана шундай хулосаларга олиб келди. Доктор Като лимон шарбатини албатта овқатланишдан олдин ёки овқатланишга киришилган пайтда 2 ош қошиқдан истемол қилиш самарали эканлигини, ундан кечиктириб қабул қилинса, фойдаси бўлмаслигини айтиди. Докторнинг фикрича, лимон шарбати энди сикилган, яъни тоза бўлиши керак.

Доктор лимон шарбатини, айниқса, дудланган, консерваланган ёки тузланган озиқ-овқатларни тановул қилишдан олдин ичишни тавсия этади. Сабаби бундай таомларда канцероген моддаларининг салмоқли даражада бўлиши эҳтимолдан холи эмас.



Бош муҳаррир
АкмаЛ АҚРОМОВ
Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табак, офсет усулида
босилади.
4204 нускада босилди. Қўроғ биринчи А-3

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума
кунлари чиқадим.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифланиди.
«Шарк» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқонаси.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.